Давлат ва хўжалик бошқаруви,
маҳаллий давлат ҳокимияти
органлари ходимларини
компьютер саводхонлигининг
минимал даражаси бўйича
талабларга мувофиқлиги
юзасидан аттестациядан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш**

**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | ЎзР алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ишчи орган) | Ташкилотларга:<br>уларни аттестация комиссиялари таркибига киритиш учун номзодларни тавсия этиш;<br>аттестациядан ўтадиган ходимлар рўйхатини тақдим этиш тўғрисида сўровнома юборади. | Аттестация бошланишидан камида 2 ой олдин. |
| 2-босқич | Ташкилотлар | 1. Номзодни аниқлайди ва ишчи органга тавсиянома хати юборади.<br>2. Ходимлар рўйхатини тасдиқлайди ва ишчи органга юборади. | 1. Сўровнома олингандан кейин 3 кун муддатда.<br>2. Бир ҳафта муддатда. |
| 3-босқич | Мувофиқлаштирувчи кенгаш | 1. Ишчи орган тавсия этилган номзодлардан аттестация комиссияларининг шахсий таркибларини тасдиқлайди.<br>2. Ходимлар рўйхатига мувофиқ аттестацияни ўтказиш жадвалини ва тест саволлари рўйхатини тасдиқлайди.<br>3. Аттестация натижаларидан норози бўлган ташкилот ходимларидан аризалар тушганда апелляция аризаларини кўриб чиқиш бўйича апелляция комиссияларини шакллантиради. | Бир ҳафта муддатда. |
| 4-босқич | Аттестация комиссиялари | 1. Аттестацияни ўтказиш санаси, жойи ва вақтини белгилайди.<br>2. Бу тўғрида ташкилотларнинг аттестациядан ўтадиган ходимларини хабардор қилади.<br>3. Аттестациядан, шу жумладан узрли сабабларга кўра, ўтмаганларни аттестациядан ўтказиладиган ходимлар рўйхатига такроран киритади. | 1. 1 ҳафта муддатда.<br>2. Камида 1 ой олдин.<br>3. Дастлабки аттестация тайинланган санадан бошлаб 2 ойдан кечикмай. |
| 5-босқич | Ташкилотлар | Режали аттестацияни ўтказиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаради. | Билдиришнома олингандан кейин 3 кун муддатда. |
| 6-босқич | Аттестация комиссиялари | 1. Аттестацияни ўтказади.<br>2. Аттестация натижаларига кўра ходимга баҳо беради.<br>3. Аттестация комиссиялари қабул қилган қарорларни протоколлар билан расмийлаштиради, комиссия раислари ва аъзолари имзолайдиган аттестация варақасига киритади.<br>4. Ишчи органга аттестация натижаларини тақдим этади ва тегишли сертификат беради. | 1. Тасдиқланган жадвалларга мувофиқ.<br>2. 2 кун муддатда.<br>3. Шу куннинг ўзида.<br>4. 3 кун муддатда. |
| 7-босқич | Ташкилот ходими | 1. Узрли сабаб билан келмаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун аттестация комиссиясига тақдим этади.<br>2. Аттестация натижаларидан норози бўлганда Мувофиқлаштирувчи кенгашга ариза беради. | 1. Аттестация ўтказилган кундан бошлаб 1 ойдан кечикмай.<br>2. 3 кун муддатда. |
| 8-босқич | ЎзР алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ишчи орган) | Апелляция комиссияси тузиш бўйича таклиф киритади. | 1 ой муддатда. |